



**Антропосентрик фразеологик бирликларнинг лексик-семантик
ва лингвокультурологик тадқиқи**

Бадалова Хамидахон Хакимжоновна

Илмий раҳбар: **Ишанжанова Муносибхон**

Аннотация: Ушбу тадқиқотда инсон шахсияти, унинг ички ва ташқи ҳолати, ижтимоий муносабатлари, тафаккури ва маданий дунёқарашига доир тасаввурлар акс этган фразеологик бирликлар – антропосентрик фразеологизмлар лексик-семантик ва лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: антропосентризм, фразеологик бирликлар, лексик-семантик таҳлил, тил ва маданият, концептуал таҳлил, антрополингвистика, маданий код, халқ тафаккури.

Аннотация: В данном исследовании лексико-семантически и лингвокультурологически анализируются фразеологические единицы – антропоцентрические фразеологизмы, отражающие представления о человеческой личности, ее внутреннем и внешнем состоянии, социальных отношениях, мышлении и культурном мировоззрении.

Ключевые слова: антропоцентризм, фразеологизмы, лексико-семантический анализ, язык и культура, концептуальный анализ, антрополингвистика, культурный код, народное мышление.

Abstract: In this study, phraseological units - anthropocentric phraseologisms, which reflect ideas about human personality, its internal and external state, social relations, thinking and cultural worldview - are analyzed lexically-semantically and linguistically-culturally.



Key words: anthropocentrism, phraseological units, lexical-semantic analysis, language and culture, conceptual analysis, anthropolinguistics, cultural code, folk thinking

Кириш

Ҳар бир халқнинг тили унинг дунёқараши, тарихий тажрибаси, миллий қадриятлари ва маданий меросини ўзида мужассам этган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, фразеологик бирликлар тилнинг кўпқиррали ва чуқур маъноли бўғинларидан бири сифатида халқ тафаккурининг, дунёқарашининг, урф-одат ва анъаналарининг ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда тилшуносликда инсонга йўналтирилган — антропосентрик ёндашув алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, бу йўналишда фразеологизмларнинг семантик ва маданий хусусиятларини ўрганиш, улар орқали халқ маънавияти ва тафаккур моделини очиқ бериш муҳим илмий вазифалардан бирига айланди.

Мазкур тадқиқотда фразеологик бирликларнинг инсон образи билан боғлиқ, яъни антропосентрик хусусиятга эга турлари лексик-семантик ҳамда лингвокультурологик нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Бу орқали уларнинг маъно қатламлари, миллий-маданий белгилари ва концептуал юки очиқ берилади. Тадқиқот натижалари фразеологик бирликларнинг нафақат тил тизимидаги ўрнини, балки халқ маънавий оламини ифодалашдаги ролини ҳам чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Антропосентрик ёндашув тилнинг марказида инсон турадиган қарашни ифодалайди ва фразеологик бирликларда бу ҳолат алоҳида яққол намоён бўлади. Мазкур тезисда инсоннинг бадан аъзолари, руҳий ҳолати, ақлий фаолияти, ҳис-туйғулари ва ижтимоий роли билан боғлиқ фразеологик бирликлар ўрганилди.

Таҳлил натижасида ушбу бирликлар нафақат маъно жиҳатдан, балки маданий код, миллий менталитет ва этнолингвистик хусусиятларини ифода этиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим эканлиги аниқланди. Масалан, турли тиллардаги "юрак" компонентли фразеологизмлар инсоннинг ҳис-туйғулари ва жасурлиги билан



боғланса, "кўз" компонентли бирликлар кузатувчанлик, ақл ва идрок билан боғлиқ тасаввурларни англатади.

Хулоса ўрнида, антропосентрик фразеологизмларнинг лексик-семантик таҳлили улар орқали инсон ҳақидаги лингвокультур маълумотларни билиш, тил ва маданият ўртасидаги боғланишни чуқурроқ англаш имконини беради.

Ушбу тадқиқотда инсон шахсияти, унинг ички ва ташқи ҳолати, ижтимоий муносабатлари, тафаккури ва маданий дунёқарашига доир тасаввурлар акс этган фразеологик бирликлар – антропосентрик фразеологизмлар лексик-семантик ва лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилинган

Антропосентрик ёндашув тилнинг марказида инсон турадиган қарашни ифодалайди ва фразеологик бирликларда бу ҳолат алоҳида яққол намоён бўлади. Мазкур тезисда инсоннинг бадан аъзолари, руҳий ҳолати, ақлий фаолияти, ҳис-туйғулари ва ижтимоий роли билан боғлиқ фразеологик бирликлар ўрганилди.

Таҳлил натижасида ушбу бирликлар нафақат маъно жиҳатдан, балки маданий код, миллий менталитет ва этнолингвистик хусусиятларини ифода этиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим эканлиги аниқланди. Масалан, турли тиллардаги "юррак" компонентли фразеологизмлар инсоннинг ҳис-туйғулари ва жасурлиги билан боғланса, "кўз" компонентли бирликлар кузатувчанлик, ақл ва идрок билан боғлиқ тасаввурларни англатади.

Хулоса ўрнида, антропосентрик фразеологизмларнинг лексик-семантик таҳлили улар орқали инсон ҳақидаги лингвокультур маълумотларни билиш, тил ва маданият ўртасидаги боғланишни чуқурроқ англаш имконини беради.